



**Халима Ахмад  
Шеърлар**



### **Ишк ранги**

**Шовуллайди боглар калби нотинч исёнкор  
Ва олисда лопиллайди чирок шуъласи.  
Борлик кўнглин топтаётган тун кадамида  
Ёрилади аллакандай сирлар яраси.**

**Мен уйгокман. Деразамни ялар изгирин,  
Юрагимни титкилайди соат миллари.  
Кўп беҳузур бўлар кўнглим вақт овозидан  
Ва ўйлайман, бахтлимидим анча илгари?**

Бахтлимидим, о, нақадар бачкана бу сўз  
Ва хотира ортидаги тундай ноаён.  
Чалкаштирдим хаётимни бегона йўлда,  
Гарчи уфқ орзулари эди бепоён.

Гижирлайди дарахтларнинг ковурагалари,  
Музлаб қолган ой сояси синиб тушади.  
Изгиринли тун ичида тентираб юрган  
Умидсиз нур толасидан дил увушади...

...Қайси қундир чорраҳада жавдираб турган –  
Болақайнинг кўзидаги кўркувда эдим.  
Гарчи умрим бир нотаниш йўлларда кечди,  
Хар бир лаҳза армон севган орзуда эдим.

Мен уйғокман, изгиринли шамоллар билан,  
Қонимда муз хандасини сезаман такрор.  
Гўё менинг вужудимда ўзга бир одам,  
Нафас олар, судралади бемордан-бемор.

Яна, яна илдамлайди соат миллари  
Ва етаклар телба рухим қайси томонга?  
Гижимланган хотиралар нигоҳи билан  
Мактуб ёзиб жўнатаман олис осмонга

Ишонаман, бир қун менга жавоб келади,  
Лайлаққорлар ёхуд ёмгир шивирлашида  
Ахир, менинг қисматимнинг зеру забари  
Тахрир этиб қўйилганку унинг аршида.

Ва биламан, мен учун ҳам аталган қун бор,  
Бахту бахтсизликдан айро шаффоф қун.  
Факат ҳозир не учундир дилгирман жуда,  
Факат ҳозир не учундир юрагим юпун.

Аммо, ҳозир енгилсам гар, ютказсам агар,  
Қайда қолар менинг ўша Халималигим.  
Ва Ҳақ менга ишонган шу қисмат олдида,  
Ҳақиқат, айт, менга, ахир, қим бўламан, қим?

Ва хайдашим керак кондан умидсизликни,  
Кет деб, айтай ичимдаги мажхул беморга.  
Кўнглим тутай ўкигин деб, ошик сингари,  
Кўкдан келган жавоб ёмгир ё лайлак корга,

Янги бир куй излагайман ишк кўшигига,  
Болалигу ёшлик завки кўшилган наво.  
Токи, менинг хар бир куним, хар бир лахзамни,  
Ошик этсин тўлкинига илохий дарё....

(Сезаяпман), зумрад хислар келаяпти согинч юртидан,  
Киш туни хам тек котди ва тишлади лабин.  
Нимагадир зорикдими титраб кўйди бир,  
Ошикликдан айро тушган бечора калбим?

Эй, сен мени сўлим кунлар ёдига тортган  
Согинчингни асраганман айтмай бировга.  
Мен хаётни севаяпман, исиниб бу тун,  
Качонлардир юрагингда ёнган оловга.

Зумрад хислар, ўтган кунлар хурмати учун  
Тунни мохир пайвандчидай улайман тонгга  
Ва шодликнинг борлигига имон келтириб,  
Бу дунёни бўягайман ишк деган рангга.

\* \* \*

Куйган булутлардек куйди нимадир,  
Нимадир гижимлаб отди жонимни.  
Ва сўнгра армонга ўхшаган хаво  
Ўраб олаверди тўрт томонимни.

Теграмда судралиб юрар эди вақт,  
Гўёки сайдини пойлаган сайёд.

Умримни совурган хоин дўст каби  
Мендан кўзин олиб кочарди хаёт.

Ўйладим, нахотки, тугади бари,  
Нахотки, мен шундай топаман якун?  
Ташкарида эса эски ковушда  
Богларни кезарди кайгузода тун.

Тиник эшитиларди олис самода –  
Исмсиз юлдузнинг шивирлагани.  
Ва мавхум афсунга тўлиб тошарди –  
Мухаббатсиз ойнинг тилло лагани.

Жонимни кафтимга олиб титрадим  
Ва нажот истадим одам наслидан.  
Куйган умид хиди уфурди бирдан,  
Кўнгилнинг кахратон деган фаслидан.

Мен чикдим, ўзимдан отилиб чикдим,  
Армон хаволари кетди титилиб.  
Ташкарида дарахтларнинг юраги  
Тупрокка коришган эди йиртилиб.

Тун калбида маъюс куй окар эди,  
Сездим, жоним фалак тушига кирган  
Ва кимдир согинчнинг нафаси билан  
Яна мен томонга дилин ўгирган.

Тентирадим туннинг кўчаларида  
Рухини йўкотган девонасимон.  
Сўнгра, нажот истаб кўлларим чўзсам  
Бармогим учига кунишди осмон.

Хар бир хужайрамда сен эдинг пинхон,  
Хар бир нафасимда борлигинг ошкор.  
Шунча ишким билан, шунча ишк билан,  
Оёгинг остида абгорман-абгор.

Бас, кайгу, мен сендан узаман кўнгил

Ва коронги тунлар васвасасидан.  
Бир либос тикаман кўнглимга бу кеч,  
Умид нафасидан, гул нафасидан.

Энди мен нур сари бораман яккаш  
Ва калб титрогини ишкка тикаман.  
Кўзим дарчасига урилаётган  
Сахарлар хуснидан маст энтикаман.

Гар, хозир устимдан куласан хаёт,  
Мингирлайсан, сендан чикмайди ёгду.  
Качондир дилиннга нурдай югурар,  
Жоним ковагида асраган орзу.

Бир куни оломон жунбишда дейди:  
“Гарчи тирикликнинг кўчасида кор,  
Каранг, бир телбаваш аёл келаяпти,  
Ўнг кўлида куёш, сўлида бахор ...”

...Орзули тун каби ёришар недир,  
Нимадир эркалаб суяр жонимни  
Ва сўнгра умидга ўхшаган хаво  
Чулгаб олаверар тўрт томонимни.

\* \* \*

Бошим айланади, айланади ер,  
Шамоллар судрайди тириклик тугин.  
Осмон шаффоф кўлин куёшга чаяр,  
Кўзларимга экиб согинч уругин.

Бинафшаранг умид соясида жим  
Мизгийман, тушимга киради хаёт

Ва ногирон кўнгил васвасасида  
Кимдир эснаганча мени этар ёд.

Уйғониб бокаман, рангсиз мавога,  
Бокаман, умидсиз, абгор, беилинж.  
Факат олти томон сукутин бузиб,  
Кўзларимда маъюс шивирлар согинч.

Биламан, бу сенинг нафис шивиринг,  
Мани ёлгонлардан этгувчи айро  
Ва хислар тўлкинин мавжлантирувчи  
Биламан, бу сенинг согинчинг, Худо!

Аmmo, мен каердан, каерга келдим,  
Билмайман, кай фасл домонидаман?!  
Гох гамнинг энг чукур кудугидаю  
Баъзан бехушликнинг осмонидаман.

Кимга караб келдим, кимдан кетаяпман,  
Нечун орзуларим гарибдан-гариб?  
Бахорлар оёғи остида гўё  
Ётибман, узилган баргдай саргайиб.

Кандайдир аланга жоним ичида  
Ловуллар, чирсиллар девонасимон.  
Жонимни какшатган шу алангага  
Художон хиёнат килдим мен қачон?

Бугун унутилган ўтмишман, балки  
Хаёлим сигмаиди ҳеч битта рангга  
Мудрок босган эски богдайн жимман,  
Жонимда куйлайди факат аланга.

Раббим, чарчаганман. Ва согинганман,  
Кенглик нафасини, ёмгир сасини.  
Олиб кетсин, айтгин ўша одамга  
Жонимга яширган алангасини.

**Манба: Шарк юлдузи журналининг интернет саҳифаси.**

